

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 2 (914)

2013-yil, 18-yanvar, juma



Ўзбекистон — автомобилсозлик мамлакати

Самарқанддаги «MAN» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси мамлакатимиз автомобилсозлик саноатининг истиқболлини белгилашда, унинг жадал суръатлар билан ривожланишида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишлаб чиқариш-

ни кенгайтириш борасидаги салмоқли бизнес лойиҳалар амалиётга тезкорлик билан жорий этилиши туфайли бу ерда ишлаб чиқарилаётган оғир юк ташувчи автомобиллар ва махсус техника воситаларининг тури 14 тага етди. Эндиликда

завод буюртмачиларининг рўйхати кенгайиб, экспорт имкониятлари ҳам ортиб бормоқда. 2013 йилдан бошлаб

«MAN» ўз техникасини Марказий Осиё давлатлари ва

Афғонистонга ҳам кўплаб миқдорда етказиб беради.

Суратда: қўшма корхона менежери Ф.Тўрақулов завод автомобилсоз мутахассислари билан янги режаларни муҳокама қилаётган пайт.

З.ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар

Жамоатчилик назорати — тараққиёт кафолати

Концепция: устувор вазибалар

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг самардорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамият ҳаётини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили мазмун-моҳиятига кўра ҳаётимизда ўчмас из қолдираётгани, аҳолининг харид қуввати ошиб бораётгани, турмуш тарзимизда ёрқин ўзгаришлар юз бераётгани кўнгилда мунаввар туйғулар уйғотилади.

Чунки жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бу ўзгаришлар, амалга оширилаётган дастурлар, қабул қилинаётган қарорлар, биринчи навбатда, инсон манфаатларини кўзлаб, шу муқаддас заминда умргузаронлик қилаётган одамлар, уларнинг фарзандлари, келахак насллар учунлигини яхши ҳис этади. Бунинг боиси, жамият аъзоларининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва онги юксалиб, ижтимоий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимиз тобора ошиб бормоқда, ортимиздан келаётган янги авлод вакиллари қалбида Ватан равнақи, миллий тараққиёт учун шахсий масъуллик ҳисси кучаймоқда.

Бугун дунёнинг ривожланган кўплаб мамлакатлари молиявий-иқтисодий тангликдан қутулиш чораларини излаётган, ишчи ўринлари, ижтимоий лойиҳалар қисқараётган бир пайтда, Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани, ижтимоий соҳа доимий диққат марказида тургани, фуқаролик жамиятига хос турли жамоатчилик институтларининг мавқеи ошаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу ютуқнинг қиммати шундаки, Ўзбекистонда молиявий инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш юзасидан пишиқ-пухта, ҳар жиҳатдан ўйланган дастур ўз вақтида қабул қилинди



Анвар СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

ва у муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг ҳар бир йўналиши мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштиришга, халқимиз ҳаёти янада фаровонлашувига, миллатнинг келажаги бўлган ёш авлод тарбиясига хизмат қилади. Бу муҳим ҳужжатда илгари сурилган гоёлардан бири мамлакатимизда самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ва бу назоратнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат эди.

Давоми 3-бетда ➤

ФАКТ ВА РАҚАМ

2012 йили республикаимизда 123 минг дона Chevrolet автомобили сотилган

Ёшларга ҳавасим келади...

Шахсан ўзим «Адолат» СДП аъзосиман. Негаки, ушбу партия ижтимоий-сиёсий ҳаётда ёшлар, хотин-қизларнинг нуфузини оширишга, фуқароларнинг саломатлигини яхшилашга ҳисса қўшиш билан бир пайтда жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви жараёнида аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланиши учун муқобил энергия турларидан фойдаланиш масаласини илгари сурмоқда.

8 ➤

Осойишталик гарови

Муносабат

1992 йил 14 январда мамлакатимиз ҳудудидаги борча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган мазкур ҳужжат юртимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислох қилишга қаратилган узоқ муддатли дастурнинг ишлаб чиқилишига йўл очди.



Ўтган қисқа даврда Ўзбекистон Қуроли Кучлари мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, профессионал, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга армия сифатида ўзини намойён этмоқда. Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хав-

фи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевоқифа яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Давоми 3-бетда ➤

ТИНЧЛИК — БЕҚИЁС НЕЪМАТ



дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ экани тобора чуқурроқ аён бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам тинчлик, деб аталмиш неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмади.

7 ➤

Келгуси сонда:

БОЛАЛАР СПОРТИ
Бўлгуси юлдузлар Наманганда таълим олишмоқда

Ўзбекистонда Катта Қуёш қурилмаси: жаҳонда тенги йўқ ноёб энергетик иншоот

5 ➤

Партия ҳаёти

«Ҳар бир одам — бир олам»

ўқув-семинарда бу жиҳат моҳиятан ўз аксини топди

Сиёсий ўқув

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашида «Фуқаролар билан мулоқот олиб бориш технологиялари» мавзuida ўқув-семинари бўлиб ўтди. Туман партия ташкилотлари раҳбарлари, партия фаоллари қатнашган тадбирда Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси П.Пармонова жорий йилдан эътиборан партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши «Партия фаоллари малакасини ошириш» бўйича махсус ўқув дастури амалиётга татбиқ этилиши ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

— Махсус курс партияимиз фаолларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, партиявий жараёнларда фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор йўналишларни қамраб олган, — деди у. — Шу билан бирга курс дастури доирасида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, қарор ва фармонлар моҳияти партиянинг ижтимоий адолат, қонун устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш, миллий инновацион тизимни рўёбга чиқаришга қаратилган ғояларини тарғиб этиш устувор вазифа ҳисобланади. Ушбу ўқув-семинар курслари келгусида ҳам аниқ мавзу ва йўналишда бўйича тизимли ва бошқича-бошқич тарзда давом эттирилади. Асосан аёллар ва ёшлар, захира кадрлар учун мўлжалланган курслар фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтиришга, улардаги шижо-

атни оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Ф.Равшанов фуқаролар ичида бўлиш, улар дарди билан яшаш партия нуфузини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатувчи омил экани хусусида сўз юритар экан, бу жараёнда ҳар бир кишига индивидуал нуқтаи назардан ёндашиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Маърузачининг қайд этишича, юрдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳам муносиб ўрни бор. Аммо уларга партиянинг мақсад ва вазифаларини ҳаётий мисоллар ёрдамида етказишда бажарилиши керак бўлган ишлар етарли.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Депутатлик гуруҳи

Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши депутатларининг фаолияти кейинги пайтларда сезиларли даражада жонланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш масалалари атрофича муҳокама қилинаётди. Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг вилоят, туман (шаҳар) партия Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳамкорликдаги ишлар салмоғида кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП марказий ва маҳаллий органларининг ишлари фаоллаштириш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтириш, шунингдек, социал-демократиянинг халқчил ғояларига аҳоли ишончини ошириш ва партиянинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида

Махсус тадбирларда асосий эътибор ижро ҳақимияти раҳбарлари масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани, аҳолининг, айниқса, коллежлар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сиёсий майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаш

ўз куч ва имкониятларимиздан қанчалар фойдалана олишимизга боғлиқ



таъкидламоқчиман. Хусусан, дастурда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг депутатлик сўрови ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқларидан фойдаланиш тажрибасини кенгайтириш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш вазифалари белгиланган эди.

Ўтган йили депутатларнинг сиёсий билимларини янада

ошириш мақсадида сенаторлар, депутатлар, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар иштирокида мунтазам семинар-тренинглар ташкил этилди. Уларда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уларни тарғиб этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг роли», «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссияларнинг фаолияти мониторинги натижалари тўғрисида», «Депутатларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлигини фаоллаштириш тўғрисида» ва бошқа қатор масалалар юзасидан маърузалар ўқилди ва

амалий машгулотлар олиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят депутатлик гуруҳи партия электорати манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган ташаббусларни ҳам илгари суришди. Хусусан, шаҳардаги «Мирсаид барака» маҳалласида истиқомат қилувчи 20 та кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловларидан бўлган қарздорлиги ҳомий ташкилотларни жалб этган ҳолда тўлаб берилди.

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи томонидан 2012 йилда 10дан зиёд назорат-таҳлил тадбири ўтказилиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳисоботлари эшитилди.

Махсус тадбирларда асосий эътибор ижро ҳақимияти раҳбарлари масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани, аҳолининг, айниқса, коллежлар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига қаратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, турли қорхона ва ташкилотлар мутасаддиларига 30 га яқин сўровлар юборилиб, уларга асосланган тадбиркорликни ривожлантириш ташкилотлар олинди. 11 та сўров якуни депутатлик гуруҳи йиғилишида кўриб чиқилиб, махсус масалаларнинг аниқ йўналишлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу қатори қонунлар ва қарорлар ижроси юзасидан депутатлик назорати ўрнатилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Депутатларимизнинг ўтган йили сайловчилар билан ўтказган 100 дан ортиқ учрашувларида сайловчиларга юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг изчиллиги, парламентда ва маҳаллий кенгашларда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда қарорлар моҳияти, «Адолат» СДП дастурий ғоялари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Айтиш жоизки, жойларда депутатлик қабулхоналари мунтазам фаолият юритмоқда. Қабулхоналарга 2012 йилда сайловчилардан 120 дан ортиқ ёзма ва оғзаки мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг юзга яқини ўзининг ижобий ечимини топди. Мурожаатларнинг ўнга яқини мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови шаклида тақдим этилди.

Умуман олганда, 2012 йилда халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари фаолиятида партия Устави ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар ижросининг самарали усулларини ифода этиш, электорат манфаатини рўёбга чиқариш ва сессиялар кун тартибига долзарб масалаларни киритиш амалиётидан изчил фойдаланилди.

Ҳали олдимизда бажаришимиз шарт бўлган ишлар талайгина. Шу маънода, депутатлик гуруҳи аъзолари олдида халқ ишончини оқлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардаги иштирокимизни янада фаоллаштириш вазифалари туғрилида

Одилжон БҮРИЕВ, Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

Намунали бошланғич ташкилот

Қуйи бўгин — партия таянчи

Бошланғич ташкилот фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиш учун билимдонлик ва ташаббускорликнинг ўзи етарли эмас. Фақат амалий ишлар орқалигина партия ғояларини қўллаб-қувватлаганлар эътиборини қозониш мумкин. Жиззахлик фаоллар ана шу масъулиятни теран ҳис этиб, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини жойларда кенг тарғиб қилишга интилоқдалар. Натижада БПТда партиявий ишлар бирмунча жонланди. Буни биргина Жиззах шаҳридаги бошланғич ташкилотлар фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Ўз атрофига 508 нафарга яқин аъзони бирлаштирган бешта илгор қуйи бўгинлар фаоллари жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлигини ошириш, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган фаол, сиёсий етук аъзолар билан тўлдиршига ҳаракат қилмоқдалар.

Шаҳардаги Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Жиззах филиали қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти ана шундай фаол қуйи бўгинлардан биридир. 150 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган ушбу қуйи ташкилот фаолларининг шаҳар партия кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи билан яқин ҳамкорлиги тарғибот самардорлигини таъминлашда қўл келаяпти. Депутатлар ва партия фаоллари кўмағида ўтган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида 20 дан зиёд

тадбирларнинг юқори савияда ўтказилганлиги сўзимиз исботидир. Тиббий марказда ўтказилган «Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш — комил инсонни шакллантиришнинг муҳим омили», «Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш — оилалар мустаҳкамлиги гарови», «Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш», «Қишлоқ аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишда замонавий инфратузилмани ривожлантириш долзарб масала», «Юксак маънавий муҳит — соғлом оила гарови» каби мавзулардаги 2000 нафардан зиёд фуқаролар иштирок этган тадбирлар фуқароларнинг тиббий билимларини оширишга кўмаклашди. Қуни-кеча Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази Жиззах филиали қошидаги бошланғич ташкилот аъзолари 2013 йил режасини




шакллантириш, тарғибот ва ташвиқот услубларини қайта кўриб чиқиш масалаларини муҳокама қилдилар. Йиғилишда янги — Обод турмуш йилида БПТ фаолиятини янада кучайтириш, қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлашда фаоллар иштирокини кенгайтириш борасидаги таклифлар атрофича кўриб чиқилди.

— Инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш аниқ кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий режаларида ушбу

масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Мақсад ягона — жамиятимизда маънан етук, жисмонан соғлом авлодни камол топтиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборат, — дейди БПТ раиси Ҳилола Сафарова. — БПТ фаоллари тумандаги қорхона ва ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларида тез-тез бўлиб, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган концепция мазмун-моҳиятини атрофича тушунтиришга, партияимизнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этишга ҳаракат қилмоқдалар. Айтиш мумкин, ўзбекистон «Адолат» СДПнинг вилоят ва туман кенгашлари то-

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати

2012 йил давомида республика божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда кўрилган мунтазам чора-тадбирлар натижасида диний адабиётларнинг ноқонуний олиб ўтилиши бўйича 509 та ҳолат аниқланиб, 14 мингдан ортиқ диний материаллар олиб қўйилган.



Хўжалик судларига интернет орқали мурожаат қилиш мумкин

2013 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига аризалар ва илтимосномаларни электрон кўринишда тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлишди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони туфайли бундай имконият пайдо бўлди. Айтиш мумкин, қадар аризаларни қабул қилиш бўйича марказлашган электрон дастурий таъминот ишга туширилди ва «Хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон тарзда тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби» ишлаб чиқилди. Ариза ёки илтимосномани Олий хўжалик судининг расмий сайтига юбориш мумкин. Жўнатилган хабар ҳақидаги маълумотларни «Электрон қабулхона» бўлимида кўриш мумкин.

Ўзбекистонда Катта Куёш қурилмаси: жаҳонда тенги йўқ ноёб энергетик иншоот

Иновация

Сайёрамизда мавжуд энергия манбалари миқдорининг чекланганлиги ва кейинги юз йилликда энергия истеъмоли миқдори ортиб бориши натижасида юзага келаётган энергия тақчиллиги муаммоларини бартараф этиш, биринчи навбатда, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш тажрибасини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Мутахассислар фикрича, қайта тикланувчи энергия манбалари орасида Куёш энергияси бизнинг минтақамиз учун иқтисодий-техник жиҳатдан энг самарали ва қулай ҳисобланади. Шу боис Куёш энергиясидан фойдаланиш борасида катта тажриба тўпланган республикамизда соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Бунга мамлакатимизда Халқаро Куёш энергиясидан фойдаланиш институтининг очилиши, Материалшунослик институти ҳудудида Осиё тараққиёт банки кўмағида кўп функцияли Метеостанция ҳамда кўплаб параболацилиндрик ва фото-электростанцияларнинг қурилатганини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Республика Фанлар академиясининг Физика-Куёш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Материалшунослик институти катта илмий ходими, техника фанлари номзоди Йўлдош Собиров билан суҳбатимиз институтида олиб борилётган илмий изланишлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши борасида бўлди.



метр баландликда жойлашган. Қурилма оптик-энергетик кўрсаткичлари диаметри 1,0 метрга тенг бўлган фокусда 1000 Вт/см² зичликдаги юқори энергияни мужассамлаштириб материалларнинг оптик-спектрал хусусиятларига боғлиқ ҳолда 3000°C гача юқори ҳароратни олиш имкони мавжуд.

1993 йилда Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфидаги Катта Куёш қурилмаси негизида Материалшунослик институти ташкил этилди. Институт ҳозирда жаҳонда тенги йўқ ноёб энергетик иншоот — 1 МВт қувватли Катта Куёш қурилмасини тасарруф этиб келмоқда.

— *Ҳозирги кунда институтда яратилаётган ишланмалар иқтисодийнинг қайси тармоқларида амалиётга жорий этилмоқда?*

— Институтимизда тўрт йўналиш бўйича фундаментал тадқиқотлар ва илмий-техник ишланмалар яратиш устида илмий изланишлар олиб борилаётган. Булар мужассамлашган куёш нурларининг моддалар билан ўзаро таъсир жараёнларини тадқиқ этиш, куёш қурилмасида берилган хоссага эга бўлган металл, иссиққа чидамли материалларни синтез қилиш ва ишлаб чиқаришда вужудга келадиган фундаментал муаммоларни ҳал қилиш, иссиққа чидамли материалларнинг физик-кимёвий технологияларини яратиш ва улар асосида тиббиёт, саноат ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш, катта Куёш энергетик қурилмаларини тадқиқ қилиш ва уларни яратиш услубларини ишлаб чиқиш, куёш нурлари ёрдамида материалларни, конструкцияларни ва ишланмаларни комплекс синовдан ўтказиш.

Ҳозирги кунда институти-миз тарихидаги лаборатория ва бўлимларда уч нафар академик, олти нафар фан доктори, ўлтздан ортик фан номзодлари ҳамда юқори малакали муҳандис ходимлар фаолият олиб бормоқда. Олимлари-

миз бугунги кунда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида ўнлаб фундаментал, амалий ва иновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб боришмоқда. Лойиҳаларда маҳаллий хомашё, минераллар захиралари, саноат чиқиндиларини утилизация қилиш, тежамкор, экологик соф технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали юқори рентабелликка эришиш асосий мақсад қилиб олинган.

Истиклол йилларида юқори технологияларни яратиш, импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари утилизацияси асосида маҳсулот ишлаб чиқариш технологияларини яратишга катта эътибор қаратилди ва Катта Куёш қурилмаси ёрдамида юқори физик-механик хоссага эга бўлган янги материаллар синтез қилинди. Олинган натижалар асосида Республикамиз саноати учун турли мақсадларга мўлжалланган импорт ўрнини тўла қоплай оладиган, рақобатбардош конструкция, термик чидамли, кимёвий инерт керамик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Кейинги йилларда институтида яратилган қатор ишланмалар Республикамиз саноат корхоналарида амалиётга жорий қилиниб, кенг фойдаланилмоқда.

— *Куёш энергиясидан фойдаланиш борасида йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик қандай самаралар бермоқда?*

— Институтимизда нуфузли хорижий илмий марказлар билан мунтазам алоқа ўрнатилган ва улар билан ҳамкорликда иш олиб борилаётган. Хусусан, 1999 йилда мутахассисларимиз томонидан Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида жойлашган Янги материаллар ва қуқун металлургияси халқаро маркази ҳамда 2002 йилда Миср Араб Республикасининг Марказий Металлургия институтига қуввати 1500 кВт бўлган Куёш қурилмалари ўрнатиб берилиб, куёш технологиялари бўйича эришган ютуқларимиз жорий қилинди, ҳозирда ҳам илмий-техник ҳамкорлик давом этмоқда. АҚШнинг Колорадо штатида жойлашган қайта тикланувчи энергия миллий лабораторияси ҳамда Франциянинг Лион шаҳридаги Технология институти билан илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш бўйича ишлар олиб борилаётганини айтиш жоиз. Бундан ташқари, Германиянинг Аэрокосмик тадқиқотлар институтига (Кёльн шаҳри) куёш энергиясини концентратсия қилувчи тизимлар соҳасидаги илмий-техник ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда ишлаб чиқилган мужассамлаштирилган қувватини оширувчи мосламалар — фоқонлар ўрнатилди. Шунингдек, Испаниянинг бир нечта илмий марказлари билан ҳам илмий алоқалар йўлга қўйилган.

Бундай алоқалар натижасида «Физика-куёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида жаҳон андозаларига мос Халқаро Илмий ўқув маркази ташкил қилинди. Ўқув марказида йилнинг ёз фасли Россия ва

кўшни Марказий Осиё мамлакатлари олий ўқув юрлари талаба ва магистрларини жалб қилган ҳолда, «Куёш энергиясидан фойдаланиш» махсус курсларида назарий ва амалий машгулотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда институтида гелио-материалшунослик, гелиотехника соҳаларида эришилган натижалар асосида Республика миқёсида «Куёш қўрғонлари» деб номланган кенг қўламадаги илмий-амалий лойиҳа тайёрланмоқда. Лойиҳадан кўзда тутилган мақсад — кичик аҳоли яшаш пунктлари, маҳалла, қишлоқ, шаҳарчалар аҳолиси ҳамда фермер хўжаликларини электр ва иссиқлик энергия билан таъминловчи тизимни куёш энергиясини ўзлаштирувчи технологик тизимга ўтказишга йўналтирилган.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисини энергия ресурслари билан таъминлаш мақсадида биогаз олиш технология тизимларини ишлаб чиқишга доир лойиҳалар устида ҳам амалий ишлар олиб борилаётган бўлса, фермер хўжаликларини учун мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш имконини берувчи куёш қурилмалари яратилган. Қишлоқ врачлик пунктларида керамик инфракрасил нурлар билан даволони, тиббиёт жиҳозларини стерилизация қилувчи махсус қурилмалар етказиб берилмоқда.

Институтимизда Куёш энергиясидан фойдаланишга бағишланган турли халқаро конференциялар ўтказиш аънавага айланган. Шу билан бир қаторда, институтимизда Ўзбекистон «Адолат» СДП иштирокида соҳага доир мавзуларда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, олимлар ва экспертлар иштирокида партия фаоллари томонидан ташкил этилган «Бугунги кун талаби — муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг қонунчилик асосларини ривожлантириш» мавзусидаги давра суҳбати институтиимиз олимлари ва ёш тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотган эди.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Катта Куёш қурилмасининг Республикаимиз илмий-техник салоҳияти, иجتимоий-маънавий ҳаётида тутган ўзига хос ўрнини ҳисобга олиб, иншоот 2003 йилда «Ўта муҳим — ноёб иншоотлар» рўйхатига киритилди ва унинг архитектура-дизайн кўриниши, техник кўрсаткичларини талаб даражасида сақлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида алоҳида моддий маблағ ажратилиб, эътибор янада кучайтирилди. Қолаверса, Куёш қурилмасининг тоғолди ҳудудида жойлашганлиги ва ўзига хос архитектура-муҳандислик иншооти бўлганлиги учун унга бўлган қизиқиш ортмоқда ва у «Ипак йўли» халқаро туристик маршрутига ҳам киритилган. Бу ерга сайёҳлар, чет эллик олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, тадбиркорлар тез-тез ташриф буюрмоқдалар.

ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Республикамизда олий ўқув юртидан кейинги таълим ва фан доктори илмий даражасини ҳимоя қилишнинг янги тизими жорий этилди. Энди ушбу илмий даражага магистрлар ва бакалаврлар даъвогарлик қилиши мумкин.

Ушбу тизимда катта илмий ходим-изланувчилар институтида таълимни 3 йил давомида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Бунда институтга кириш имтиҳонлари натижалари бўйича танлов асосида ёки мустақил изланувчи шаклида амалга оширилади. Хорижликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўлов-контракт асосида ёки республиканинг халқаро шартномаларига мувофиқ таълим олишлари мумкин.

Тегишли институтга кириш учун камида 2 йил илмий ёки педагогик фаолият стажига эга бўлиш, магистр ёки фан номзоди бўлиш ёки магистрлик даражаси жорий этилишидан олдин олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга, илмий мақолаларга эга бўлиш, чет тилларини, ахборот коммуникация технологиялари ва интернетни билиш зарур.

Изланувчилар учун юқорида кўрсатилганлардан ташқари 5 йиллик иш стаж зарур, бунда бакалаврлар ҳам қатнашиши мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим йўналиши дипломда кўрсатилган мутахассисликка мос келиши керак бўлса-да, шу билан бирга, турдош фан тармоқларида ҳам таълим олишга руҳсат берилган бўлиб, бунинг учун қўшимча имтиҳонлар ўтказилади.

Таълим олиш жараёни мутахассислик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили ҳамда фан соҳасига қараб Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланадиган фанлар бўйича имтиҳон топшириш билан яқунланади. Олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси томонидан тавсия этилган мавзулар бўйича фан доктори илмий даражасини диссертант ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки ОАК-билан келишидан ҳолда чет тилида ҳимоя қилиши мумкин.

ҲУКУМАТ ЯГОНА ДАВЛАТ ПОРТАЛИНИ ИШГА ТУШИРМОҚЧИ

Ўзбекистон ҳукумати интерактив давлат хизматларининг ягона порталини яратиш ҳақида қарор қабул қилди.

Қарордан мақсад электрон шаклдаги маълумотларни тўлақонли алмашинувини таъминлаш, талабномаларни расмийлаштириш процедураларни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг давлат идоралари билан информация технологиялар асосидаги ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратишдан иборат. Қарорга мувофиқ, Интернет тармоғидаги давлатнинг янги портали 2013 йилнинг 1 июлигача ишга тушиши кўзда тутилган.


«Нисо» эл хизматида

Фотима опа Хўжаевани қўлигул чевар ва мохир тикувчи сифатида кўпчилик яхши билади. Шу касбнинг этагини тўтиб кам бўлмади. Орзуниятлорига етишти. Шоғирдлари камолини кўрди. Кейинги йилларда ўз тажрибасига таяниб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган Фотима опанинг бу борадаги ишлари бароридан келди. Яқинда эса у Шофиркон туман марказида «Нисо» деб номланган маиший хизмат кўрсатиш мажмуини ишга туширди.

Тадбиркор қурган янги бино туман марказига кўрк бўлиши баробарида маҳаллий аҳоли учун қулайлик, йигирмага яқин ёшлар учун янги иш ўринлари яратгани билан ҳам аҳамиятлидир. Мажмуада фаолият кўрсатаётган аёллар гўзаллик салони, эркаклар саргарошонаси, тикувчилик ва патдўзлик цехи, теле ва видео ускуналарини таъмирлаш устaxonаларидан миқозларнинг қадами аримади. Шунингдек, мажмуадаги дориҳона, озиқ-овқат ва қурилиш моллари савдо дўконида ҳам харидорлар гавжум. Айниқса, буюртмалар кўлигидан тикувчи қизларнинг қўли-қўлига тегадир.

Мазкур мажмуа билан тумандаги Маиший хизмат касб-хўнара коллежи ўртасида талабаларнинг амалиётни ўтатиш юзасидан шарт-

Ҳамро ОҚИЛ,
«Adolat» муҳбири



Илём САХАТОВ
суҳбатлашди

Тинчлик — беқийёс неъмат

«Adolat» шарҳи

Қайси бир юртда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Бизнинг эришаётган ютуқларимиз замирида ҳам ана шу тинчлик-осойишталик ётади. Агар истиқлолнинг ўтган йигирма бир йилига назар ташласак, пойтахтимиз, вилоятлар марказлари, шаҳар, қишлоқларимиз, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам катта ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўламиз. Юртимиздаги хотиржамлик ва барқарорлик туфайли хонадонларда тўю томошалар, байраму шодиёналар бўлмоқда. Бу неъматларга чин маънода шукрона қилиш ва уларнинг қадрига етиш керак. Чунки бугунги кунда айрим юртлардаги нотинчликлар оқибатида бегуноҳ одамлар азият чекмоқда.

Маълумки, 2011 йилнинг баҳор ойларида араб ўлкаларида бошланган низо ва қарама-қаршиликлар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Бунинг оқибатида минглаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлмоқда. Энг асосийси, унда тинчлик ва осойишталик бебаҳо неъмат экани эътироф этилди. Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг ҳали у, ҳали бу нуқтасида содир бўлаётган нотинчликлар, қирғинбарот урушлар ва табиий офатлар асосан, оддий одамлар бошига мусибатлар келтираётгани «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади», деган халқ ҳикмати ёдга солади. Агар 2012 йил натижаларини қиёсан таҳлил этсак, тинчлик ва барқарорлик туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти тобора юксалаётгани, тўкинлик ва фаровонликка асос бўлаётганини кўриш мумкин. Эътибор беринг, дунёнинг қатор мамлакатлари иқтисодий-молиявий инқироз асоратларини бартараф этиш учун куч тополмаётган бир пайтда 2012 йилда Ўзбекистон аҳолисининг реал даромадлари ўртача 17,5 фоизга ошгани, иш ҳақи, нафақа ва стипендиялар миқдори 26,5 фоизга ўсгани қайд этилмоқда. Давлат бюджети умумий харажатларининг 59 фоизи социал соҳаларга, яъни аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилди. Бундай рақамлар Ўзбекистон иқтисодиётининг кучли эканидан, барқарорлиги ва тўғри сиёсат олиб борилаётганидан далolatдир. Янги йил шукҳи давом этаётган шу кунларда юртдошларимиз Обод турмуш йилида янада салмоқли натижалар қўлга киритилишини эътироф этмоқдалар. Айни пайтда қай бир ҳудудда бўлманг, улкан қурилишлар, янгидан-янги ишоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз.

Аслида беқарорликларнинг келиб чиқишига кўп жиҳатдан маънавият ва ёшлар масалаларига лоқайдлик, бепарволик билан қараш, бу борада тегишли маънавий-маърифий ва амалий ишларнинг амалга оширилмаганиги сабаб бўлади. Шунингдек, ёшларнинг ўз холига ташлаб қўйиш, ота-она, оила ва жамият назоратидан четда қолдириш оқибатида, ёшлар ёвуз кучлар найрангларига алданиб қолаётгани ҳам ҳаёт ҳақиқати. Аҳоли орасида бой ва камбағалларнинг кескин табақаланиб кетиши, ишсизлик масаласига эътиборсизлик ҳам муаммонинг асосий сабабларидандир.

Энди ташқи кучлар таъсирини келсак, улар мамлакатдаги тайёр этилиб турган оғир вазиятга олов пурқаб, тўполонларни пайдо қилиб, ўз мақсадларини амалга ошириш учун қулай вақт келгунга қадар пайт пойлаб туришмоқда.

Ушбу манфур кучларнинг фаразли мақсадлари жуда кўп. Масалан, галаёнлар юз бераётган араб мамлакатларига назар солинса, уларнинг акса-

рияти табиий бойликлар, айниқса, энергетик захираси кўп бўлган давлатлар экани аён бўлади. Ташқи кучлар ана шу моддий бойликларни талон-торож қилиш мақсадида ушбу нотинчликларни келтириб чиқараётганлари кундай равшан.

Барқарорликни издан чиқариш орқали бу мамлакатлар Афғонистон каби нотинч ҳудудга, кимларнингдир фараз мақсадига хизмат қиладиган майдонга айлантирилади. Оқибатда, бундай ҳудудлар гиёҳванд моддалар етиштириш, жиноятчи гуруҳлар учун макон ва ёвуз мақсадлар йўлида фойдаланадиган жой вазифасини ўтайди. Шунингдек, осойишталикка путур етиши натижасида, аҳолининг тинчлиги бузилади, қурбонлар бўлади ва мамлакатлар муаммолар ис-канжасида қолади. Қўшни давлатлар ҳам бундай вазиятлардан зарар кўради.

Бундай ёвуз кучларнинг ўз қора мақсадларига эришиш борасидаги фаолиятлари турлича бўлса-да, тутаётган йўл ёки қилаётган ишлари бир хил — одамларнинг тинч ҳаётини издан чиқариш. Айниқса, баъзи бузғунчи гуруҳлар ўзларининг геосийёсий мақсадларига эришиши йўлида қатор ихтилоф ва кўнгилсизларни келтириб чиқармоқда. Бундан ҳулоаса қиладиган бўлсак, жанжалли давлатнинг иқтисодиёти бир неча йил ортага сурилади ва ўзини ўнглаб олиши учун жуда кўп йиллар керак бўлади. Мутахассислар энди ушбу мамлакатларда иқтисодиётни яхшилаш учун 25-30 йил керак бўлишини таъкидлашмоқда.

Reuters агентлигининг бўлини маси бўлмиш Breaking Viewsнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларининг араб баҳоридан кўрган зарари 225 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича Яманининг кўрган зарари ялли ички маҳсулотнинг 5,4, Тунисники 5,2, Мисрники 4,2 фоизни ташкил этмоқда. Бирок асосий зарба Сурия (7,7 миллиард доллар) ва Ливия (6 миллиард доллар) гарданига тушмоқда. 2012 йил апрелида Libya Foreign Bank бosh директори Муҳаммад бин Юсуф араб мамлакатлари беҳуда исёндан 75 миллиард доллар йўқотишини тахмин қилганди. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларининг хорижий сармоялар жалб этиш кўрсаткичи ҳам 24 фоизга тушиб кетгани тинчлик ва осойишталикка тараққиёт гарови эканлигини яна бир қарра исботлади.

Донолар тинчлик — цивилизация неъматидир, уруш эса унинг офатидир, дейдилар. Дарҳақиқат, глобал миқёсдаги иқтисодий ва молиявий инқироз давом этаётган ҳозирги кунларда дунё халқлари учун тинчлик, галаёнлар юз бераётган араб мамлакатларига назар солинса, уларнинг акса-



йўқ экани тобора чуқурроқ аён бўлмоқда. Ҳақиқатан ҳам тинчлик, деб аталмиш неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди. Асрлар давомида юз берган қонли урушлар та-

лар, аввало, жаҳон болаларининг ҳаётини издан чиқармоқда. Афсуски, XX аср саҳнасида юз берган ҳар икки жаҳон уруши, ҳозир ҳам давом этаётган кўп сонли урушлар ва ҳарбий тўқнашувлардан би-

лининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти. Келинг, шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Умумий маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил мобайнида дунёнинг 41 мамлакатидеги қуролли тўқнашувларда 300 мингга яқин ёш болалар иштирок этганлар. Аммо бу рўйхат унчалар тўлиқ эмас. Чунки БМТ фақат Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинган «қайноқ нуқталар»даги вазиятни ҳисобга олган, ҳоло.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, охириги ўн йилда юз берган ҳарбий тўқнашувларда камида 2 млн. воёга етмаган болалар қурбон бўлган, 10 млн. дан ортиқ бола эса майиб-мажруҳ бўлган етмаганидек, ота-оналари ва бошланаларидан айрилган. Яна миллионлаб болаларнинг тўйиб оват эмаслиги, очарчилик ва турли хасталиклардан кўз юмаётганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, 1 млрд.дан ортиқ одамларнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани бунга исбот бўлиши мумкин. Ҳатто айрим ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишдан кетишга мажбур бўлаётгани, ҳар йили сайёрамиз бўйлаб 14 млн. гўдакнинг турли хасталиклардан нобуд бўлаётгани эса бу борадаги вазиятнинг нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Албатта, дунёнинг сиёсий қиёфасини белгилашда, жаҳоннинг тинч ёки нотинч бўлишида муҳим стратегик минтақалардан бири, умумий ҳудуди 4 млн. кв. км.га тенг, аҳолисининг сони 70 млн. нафардан ортиқ Марказий Осиё ҳам алоҳида ўрин тутади. Минтақада афғон можаросини бартараф этиш, халқаро терроризм ва наркотиклар саводосига чек қўйиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби бир қатор муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Шу боис Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Симоб зарарини камайтириш йўллари изланмоқда

Шу ҳафта Женевада бошланган халқаро конференцияда 130 мамлакат ҳамда ўнлаб халқаро нодавлат ташкилотлари делегатлари симоб моддасининг инсон саломатлиги ва табиатга зарарини чекловчи халқаро битимни муҳокама қилмоқда.



Анжуман БМТнинг атроф-муҳит дастури томонидан ташкил этилган. Мутахассислар симоб моддасининг инсон саломатлиги ва табиат учун хавфи тобора ошиб бораётгани юзасидан хавотир билдирмоқдалар. БМТнинг янги ҳисоботида инсон фаолияти оқибатида атмосферага йилга 2000 тонна симоб чиқарилиши айтилади. Демак, ўсимликлар, тупроқ, океан, денгиз ва дарё сувларининг симоб моддаси билан заҳарланиши хавфи юқори.

Симоб инсон мияси ва асаб тизимини ишдан чиқаради, ёш болаларнинг жисмоний ва руҳий тараққиётига салбий таъсир қилиши ҳам аниқланган. Ҳомилдор аёл симоб моддасини овқат орқали истеъмол қилса ҳомиллага жиддий шикаст етиши мумкин.

Олтин конларидан ҳамда кўмирни ёқиш оқибатида атмосферага катта миқдорда симоб чиқади. БМТ ҳисоботида қайд этилишича, дунёда ишлаб чиқариладиган олтин ҳажмининг 35 фоизи, яъни 727 тоннаси айнан кичик конларда қазиб олинади.

«Орзу лайнерлари» парвози тўхтатилди


Япониянинг All Nippon Airways (ANA) ва Japan Airlines (JAL) авиакомпаниялари ўзларига тегишли Boeing 787 Dreamliner русумидаги самолётлар парвозини тўхтатишганини эълон қилишди. «Орзу лайнерлари» билан боғлиқ навбатдаги ҳодиса шундай қарорга келинишига сабаб бўлган.



Boeing 787 Dreamliner эксплуатацияси мазкур моделдаги барча самолётлар синчковлик билан текшириб бўлингач қайта бошланади. Япония «Орзу лайнерлари» йирик бозорларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, 16 январь кун Ямагучи шаҳридан Токиога учаётган Boeing 787 Dreamliner бортида парвоздан 45 дақиқа ўтиб тугун чиққан. Натижада 129 нафар йўловчи ва 8 нафар экипаж аъзосидан иборат самолёт мамлакатнинг марказий қисмидаги Такамацу аэропортига қўнишга мажбур бўлган. Маълумотларга қараганда, аккумуляторларнинг носозлиги туфайли тугун пайдо бўлган. Бу сўнгиги бир неча кун ичида Boeing 787 Dreamliner билан боғлиқ учинчи ҳодисадир.

Инглиз полициячилари маоши қисқартирилмоқда

BBC Янгилликлар хизматининг Британия ички ишлар вазирлигига таяниб маълум қилишича, бирлашган қироллик полициячиларнинг маоши камайирилади. Бундан кейин констеблнинг минимал маоши 19 минг фунт (30,5 минг АҚШ доллари) ни ташкил этади.



Яъни олдингидан тўрт минг фунт стерлинг кам маош тўланади. Бу орқали Буюк Британия ички ишлар вазири Тереза Мэй полиция арбитраж трибуналининг харажатларни бир миллиард фунт стерлингга қисқартириш тавсиясига амал қилмоқда. Шубҳасиз, полиция ходимлари ислохотлар режасини ноҳуш қарши олишди, ҳатто ўтган 2012 йилда норозилик тарикасида оммавий намойишлар ҳам ўтказишганди.

Renault иш ўринларини қисқартиришга киришди


Renault автомобиль концерни Франциядаги 7,5 мингта иш ўринини қисқартириш ни режалаштирмоқда.



Концерн вакили Софи Шантегайнинг айтишича, ихтиёрий ишдан бўшаганлар ҳамда ходимларнинг пенсияга кетиши ҳисобида 5,7 мингта иш ўринларини қисқартиришга эришилаётди. Қўрилаётган чораларнинг бошқа тафсилотлари эълон қилинмаяпти.

Кашандалар сигарета билан қўрқитилмоқда

Британия соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси остида рақ ўсимтаси касалига чалинган сигареталар тасвири акс этган сурат ва роликлар кашандаликка қарши курашда қўл келиши мумкинлиги таъкидланмоқда.



Хусусан, телевидение орқали берилётган видеороликларда экран ортидаги воқо томошабинларга 15 та чекилган сигарета организмда рақ олиб борувчи мутациянинг пайдо бўлишига етарли бўлишини маълум қилмоқда. 2,7 миллион фунт стерлинг сарфланиши кутилаётган реклама компанияси 28 декабрдан бошланган бўлиб, плакат ва роликлар 9 ҳафта мобайнида кўчалар, кўнгличар масканлар, телевидение ва интернетда мунтазам намойиш этилади. Маълумотларга кўра, Буюк Британияда чеккиш ортидан келиб чиқадиган касалликлар туфайли юз мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади.

